

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МЎМИНОВ БЕХЗОД АБДУВАХОБОВИЧ

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ УСТИДАН СУД
НАЗОРАТИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the Doctor of Science (DSc) Dissertation Abstract

Мўминов Бехзод Абдувахобович

Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати 3

Муминов Бехзод Абдувахобович

Судебный контроль за досудебным производством по уголовным делам .. 29

Muminov Bekhzod Abduvahobovich

Judicial review over pre-trial proceedings in criminal cases 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МЎМИНОВ БЕХЗОД АБДУВАХОБОВИЧ

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ УСТИДАН СУД
НАЗОРАТИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.DSc/Үи124 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рахмонова Сурайё Махмудовна
юридик фанлар доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Тўлаганова Гулчехра Захитовна
юридик фанлар доктори, профессор

Закурлаев Абдумутал Каримович
юридик фанлар доктори, доцент

Муродов Бахтиёржон Баходирович
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратураси Академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.07/13.05.2020.Үи.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «29» декабрь куни соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.:(99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (944-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «16» декабрь куни тарқатилди.

(2020 йил 16 декабрдаги 8-рақамли реестр баённомаси).

У.А.Тухташева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

Д.Г.Камалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.С.Салаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

КИРИШ (Фан докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини асоссиз чекланишини олдини олиш ва жиноят ишини судга қадар юритиш жараёнида суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлаш муаммоларини оптимал ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган “Барқарор ривожланиш мақсадлари” (Sustainable Development Goals)дан бири ҳам айнан одил судловга эришиш даражасини оширишдан иборат бўлиб, 2019 йилда дунё давлатларининг 64%да қонун устуворлиги индекси ёмонлашиб, Ўзбекистон Республикаси ушбу кўрсаткич 1% яхшиланган 21 та давлат қаторидан жой олган бўлсада, дунёда 94-ўринни эгаллаган¹. Ишни судга қадар юритиш устидан суд назорати жиноят ишлари бўйича одил судлов самарадорлигини ошириш ва суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлашнинг асосий воситаси эканлиги нуқтаи назаридан суд назорати институтини такомиллаштириш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳонда суднинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашдаги ролини ошириш, шахс конституциявий ҳуқуқларини жиноят процессида ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш, бузилган ҳуқуқларни ўз вақтида ва самарали тиклаш, суд назорати шакллари ва суд назоратини амалга оширувчи субъектларни белгилаш, суд назоратининг амалдаги механизмлари самарадорлигини ошириш, унинг предмети ва чегарасини кенгайтириш, процесс иштирокчиларининг шикоят бериш ва одил судловга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек жиноятларни тез ва тўла очиш ва шахснинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш ўртасида мутаносибликка эришиш масалаларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда суд ҳимоясида бўлиш, яъни ишни судга қадар юритиш босқичида ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишини кафолатлаш, «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш мақсадида² кенг қўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан, суд назоратининг шакллари ва суд назоратини амалга оширувчи субъектларни белгилаш, суд назоратининг амалдаги механизмлари самарадорлигини ошириш, унинг предмети ва чегарасини кенгайтириш, мазкур фаолиятнинг изчиллигини таъминлаш, ишни судга қадар юритишга масъул мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқишни тартибга солиш, процесс иштирокчиларининг судга шикоят бериш ҳуқуқини таъминлаш масалаларини тадқиқ қилиш зарурати мавжуддир. Республикаимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги

¹ <https://worldjusticeproject.org>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

босқичида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш» суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, прокурор, суриштирувчи ёки терговчининг жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши қўзғатишни рад этиш, тафтиш тайинлаш, суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорлари устидан манфаатдор шахслар томонидан бевосита судга шикоят қилишни назарда тутувчи тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш вазифаси қўйилган.

Диссертация тадқиқоти «Судлар тўғрисида»ги (2000), «Прокуратура тўғрисида»ги (2001) Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони, 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3723-сонли қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий жиҳатдан ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» бўйича устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Ривожланган хорижий давлатларда амалга оширилган илмий тадқиқотларда ишни судга қадар юритиш босқичида шахснинг конституциявий ҳуқуқлари асосиз чекланишини олдини олишнинг жиноят-процессуал йўллари илмий тадқиқотлар объекти сифатида ўрганилган. Мазкур мавзу бўйича изланишлар University of Maryland School of Law, University of Yale, The Bingham Centre for the Rule of Law, Cornell Law School (АҚШ), University of Essex, University College London (Буюк Британия), University of Bonn (Германия), М.В.Ломоносов номли Москва давлат университетидан (Россия Федерацияси), Тошкент давлат юридик университети (Ўзбекистон Республикаси)да амалга оширилмоқда.

Жаҳонда жиноят ишлари юритувининг судга қадар босқичларида суд назоратига доир масалалар бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан, суднинг комплекс институт ҳисобланувчи суд назорати асосида конституцияга зид бўлган ҳар қандай қарорларни бекор қилишга ваколатли субъект эканлиги (University of Maryland School of Law) (АҚШ); суд назорати натижасида қабул қилинган қарорлар қонунни қўллаш фаолияти, қонунларни тўғри

¹ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: www.umd.edu/, www.yale.edu, www.essex.ac.uk/, uni-bonn.de, binghamcentre.biicl.org/, www.ucl.ac.uk/, www.law.cornell.edu/, www.msu.ru/en/, tsul.uz

талқин қилиш ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга бевосита таъсир ўтказиши (University of Essex) (Англия); экстрадициянинг суд назорати тартибида ҳал қилиниши шартлиги (University of Bonn) (Германия); ишни судга қадар юритиш жараёнида шикоятларни кўриш бўйича суд дискрецияси чегараси ва стандартлари, суднинг янги прецедентлар яратиш концепцияси ишлаб чиқилган (The Bingham Centre for the Rule of Law) (АҚШ); суд назоратини амалга ошириш жараёнининг юрисдикциявий стандартлари (University College London) (Англия); суднинг алоҳида ҳокимият тармоғи сифатида суд назоратини амалга ошириш орқали инсон ҳуқуқларини кафолатлаши (Cornell Law School) (АҚШ); суд назорати функциялари ва ишни судга қадар юритиш жараёнида жиноят ишини кўзғатиш ҳақида қарор устидан шикоят беришнинг зарурати (М.В.Ломоносов номли Москва давлат университети) (Россия Федерацияси); жиноят процессида шикоят қилиш механизмини такомиллаштириш зарурати асосланган (Тошкент давлат юридик университети) (Ўзбекистон).

Жаҳонда ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратини такомиллаштиришнинг қуйидаги: ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш; суднинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашдаги ролини ошириш; суд назорати доирасини кенгайтириш; шахснинг конституциявий ҳуқуқларини жиноят процессида ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш; жиноят процессида бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг самарали йўлларини амалиётга татбиқ қилиш ва бошқа устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олимлари Ғ.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, Б.Х.Пўлатов, Ф.М.Мухитдинов, Д.М.Миразов, Г.З.Тўлаганова, С.М.Рахмонова, У.А.Тухташева, О.М.Мадалиев, С.М.Мамадиев, М.Утепбергенов, Ғ.Шодиев ва бошқаларнинг илмий ишларида ишни судга қадар юритиш босқичида назорат институтини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг умумий ва айрим масалалари ўрганилган. Ишни судга қадар юритиш босқичида қонунийлик ва шахс ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек суд назоратининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари билан боғлиқ муаммолари МДҲга аъзо давлатларда В.П.Божьев, В.Н.Галузо, О.В.Изотова, Н.Н.Ковтун, Н.А.Колоколов, В.А.Лазарева, Н.Г.Лопухина, Л.Н.Масленникова, Т.Г.Морщакова, И.Л.Петрухин, А.В.Солодилов, А.П. Фоков, Г.П.Химичева, Н.М.Чепурнова, Л.В.Головко, П.А.Луценко; хорижлик олимлардан М.С.Аhlawat, М.Р.О'higgins, L.V.Orfield, А.Murado, Martin Böse ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Сўнгги йилларда Ф.М.Мухитдиновнинг «Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар» (2005), З.Ф.Иноғомжонованинг «Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари» (2007), Д.М.Миразовнинг «Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва

процессуал жиҳатлари» (2016)¹ номли диссертацияларда ҳам тадқиқот мавзуга доир масалаларга эътибор берилган. Бироқ юқоридаги илмий ишларда муаммонинг фақат айрим жиҳатлари ўрганилган бўлиб, айнан ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратини амалга ошириш бўйича суд фаолиятини ташкил этишга оид комплекс концептуал таҳлил амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва «Суриштирув, дастлабки тергов органлари ҳамда жазони ижро этиш муассасалари, органлари фаолияти устидан суд назоратини жорий қилиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш масалалари» (2018-2020) илмий-амалий грант лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишни судга қадар юритиш босқичида шахснинг суд химоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлашга ва унинг жиноят-процессуал механизмини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати институтини вужудга келиши ва ривожланишини ўрганиш;

ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратининг моҳияти, предмети ва унинг қонунийликни таъминлашдаги аҳамиятини очиқ бериш;

ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати шаклларини таснифлаш;

ишни судга қадар юритиш жараёнидаги процессуал фаолиятнинг қонунийлиги ва асослилигини суд томонидан назорат қилиш шаклларини тадқиқ этиш;

ишни судга қадар юритиш босқичида шахснинг конституциявий ҳуқуқларининг асоссиз чекланишини олдини олишга доир қонунни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш;

англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги кирувчи, континентал ҳуқуқ тизимидаги, шунингдек МДХга аъзо айрим давлатларда ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати институтини ўрганиш;

жиноят процессининг ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати институтини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратини такомиллаштиришга доир жиноят-процессуал қонуни нормаларини такомиллаштириш, суд назорати самарадорлигини ошириш, ишни судга қадар юритишга масъул мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракат (ҳаракатсизлиги) устидан

¹ Мазкур олимлар илмий ишларининг тўлиқ рўйхати диссертацияда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

шикоятларни кўриб чиқишни процессуал тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизимидан иборатдир.

Тадқиқотнинг предметини судга қадар иш юритиш устидан суд назоратини амалга ошириш механизминини тартибга солувчи жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари нормалари, хорижий давлатларнинг судга қадар босқичларда суд назоратига оид қонунчилиги ва суд амалиёти ҳамда судга қадар иш юритувида суд назоратини такомиллаштириш борасидаги концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг тарихийлик, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, контент-таҳлил, мантиқий-юримдик, социологик сўровлар ўтказиш, жиноят иши материалларини ўрганиш, статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш каби усулларидан фойдаланилган. Бу усулларнинг жами муайян даражада диссертация тадқиқоти натижаларининг ишончлилиги ва асослилигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш, хусусан паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш процессуал мажбурлов чораси фақат суд назорати асосида қўлланиши зарурлиги ва унинг процессуал тартиби ҳамда шахснинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини электрон шаклда мурожаат қилиш орқали амалга ошириш мумкинлиги илмий асослантилган;

суд орқали ҳимоя қилиш деганда, судларнинг жисмоний ва юримдик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тиклашга қаратилган, процессуал қонунларда белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолият тушунилиши асослантилган;

жиноят процесси иштирокчиларини шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлаш орқали суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи кафолатланиши асослантилган;

маъмурий органлар мансабдор шахсларининг жиноят ишини юритиш билан боғлиқ процессуал қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда шикоят қилиниши зарурлиги асослантилган;

шахсга нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки уй қамоғи қўлланилганда бу ҳақда дарҳол оила аъзоси ёки бошқа яқин кишиларига хабар бериш ҳуқуқи сўзсиз таъминланиши шартлиги ва процессуал тартиби асосланган;

ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси қўлланилганда ўтказилган шахсий тинтув ва олиб қўйиш натижалари ҳам процессуал тартибда расмийлаштирилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жиноят ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратининг асослари ва чегарасини дифференциялаш орқали шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал фаолиятнинг қонунийлиги ва асослигини текшириш зарурати асосланган;

суд назоратини конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ва процессуал ҳаракатлар: тинтув, шахснинг розилигисиз унинг турар жойини кўздан кечириш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, банк сири ҳисобланган ҳужжатларни олиб қўйишга татбиқ қилиш зарурати асосланган;

ЖПКда суд назоратини тартибга солувчи нормалар тизимлаштирилмаганлиги сабабли ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратининг умумий шартларини тартибга солувчи нормаларни алоҳида бобда мустақамлаш зарурати асосланган;

шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чоралари, тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари устидан суд назоратини жорий қилиш, ишни судга қадар юритишга масъул мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракат (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқишни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

суд назорати самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини кафолатлаш тўғрисида» янги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган;

жиноят процесси иштирокчиларининг ишни судга қадар юритиш учун масъул органларнинг қарорлари устидан шикоят беришга бўлган ҳуқуқлари доирасини ва шикоят бўйича иш юритиш предметини аниқ белгилаш зарурати асосланган;

ЖПКда ишни судга қадар юритиш босқичида судга шикоят бериш тартиби, шикоятни кўрмасдан қолдириш асослари ва тартиби, шикоят юзасидан иш юритишни тугатиш, шикоятни кўриб чиқиш тартибини «Ишни судга қадар юритиш учун масъул органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни судда кўриб чиқиш» номли алоҳида бобда тартибга солиш зарурати асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормаларини, ривожланган давлатларнинг тажрибасини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилишга асосланади, бундан ташқари хулосалар статистика маълумотларини таҳлил қилиш натижаларини умумлаштириш шаклидаги ижтимоий тадқиқотлар ёрдамида амалий жиҳатдан асослаб берилган, бунда олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган. Хулосалар, таклифлар ва тавсиялар синовдан ўтган, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, шакллантирилган

илмий-назарий хулосалар, амалий таклифлар ва тавсиялар жиноят-процессуал ҳуқуқи фанини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Илмий тадқиқотнинг назарий жиҳатлари жиноят ишлари бўйича ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратига доир фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича янги илмий изланишлар олиб бориш учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган амалий тавсия ва таклифлардан амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда, шунингдек жиноят-процессуал ҳуқуқи, суд назорати, жиноят ишлари юритувида далиллар назарияси каби фанлар бўйича маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказишда, ўқув ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Жиноят ишини судга қадар иш юритуви устидан суд назоратини илмий тадқиқ этиш юзасидан олинган натижалар асосида:

паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати)нинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани суд томонидан кўриб чиқилиши, мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкинлиги юзасидан ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига 28¹-боб (Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш)ни киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 30 июндаги 06/1-05/15-14вх-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш устидан суд назорати ўрнатилиши йўли билан фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, жиноят процесси иштирокчиларининг шикоят қилиш юзасидан ҳуқуқларини кафолатлаш ва бузилган ҳуқуқлари тикланишига хизмат қилган;

суд орқали ҳимоя қилиш тушунчасини белгилаш юзасидан ишлаб чиқилган таклифдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида» 2020 йил 3 июлдаги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПЛ-56-20-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши жиноят процесси иштирокчиларининг шикоят қилиш юзасидан ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилган;

жиноят процесси иштирокчилари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш воситаси сифатида суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи билан таъминланиши юзасидан ишлаб чиқилган таклифдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида» 2020 йил 3 июлдаги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПЛ-56-20-сонли

маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши суд орқали химоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга таъминлашга хизмат қилган;

маъмурий органлар мансабдор шахсларининг жиноят ишини юритиш билан боғлиқ процессуал қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда шикоят қилиниши юзасидан ишлаб чиқилган таклифдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида» 2019 йил 24 декабрдаги Қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПЛ-56-20-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши маъмурий органларнинг айнан жиноят-процессуал фаолият билан боғлиқ қарорлари устидан шикоятларини кўриб чиқиш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилган;

процессуал мажбурлов чораси қўлланилишида хабар бериш мажбурияти юзасидан ишлаб чиқилган таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 217-моддасини тўлдиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Коррупцияга қарши курашиш ва Суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 16 ноябрдаги 06/1-05/3007-2-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши процессуал мажбурлов чораларини қўллашда қонунийлик таъминланишига хизмат қилган;

шахсий тинтув қилиш ва олиб қўйиш натижаларини ушлаб туриш баённомасида қайд қилиш мажбурийлиги юзасидан ишлаб чиқилган таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 225-моддасини тўлдиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Коррупцияга қарши курашиш ва Суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 16 ноябрдаги 06/1-05/3007-2-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши процессуал мажбурлов чораларини қўллашда қонунийликни таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, хусусан, 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш, шу жумладан 1 та монография, 14 та илмий мақола (улардан 4 таси хориж нашрларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 260 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратининг назарий-ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида жиноят ишлари юритувида суд назорати институтининг шаклланиши босқичлари, суд ҳокимиятини амалга ошириш шакли сифатида ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратининг моҳияти, суд назорати предмети ва доираси таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, жиноят процессида ишни судга қадар юритиш жараёни устидан суд назорати механизмларини яратилмаганлиги жиноят процесси иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятлари чегараланишига сабаб бўлган.

Ишни судга қадар юритиш устидан суд назорати суд ишларини юритишга жалб қилинган шахсларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг юридик кафолати вазифасини бажаради. Айнан шу сабабдан замонавий тараққий топган дунёда суд ҳимояси механизми бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг энг таъсирчан ва балки энг самарали воситаси сифатида тан олинади. Тадқиқот доирасида ўтказилган ижтимоий сўров давомида «Конституциянинг 44-моддасида белгиланган суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи жиноят ишларини судга қадар юритиш босқичида амал қиладими?» деган саволга сўровдан ўтказилган шахсларнинг 55% салбий жавоб берганлиги мазкур фикрни тасдиқлайди.

Суд назоратининг самарали ва оптимал механизмлари яратилмаганлиги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 27-моддасида белгиланган процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи, «Судлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 8-моддасида белгиланган суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини чеклайди, ҳуқуқ ва эркинликларни чекловчи, шунингдек одил судловга эришишга тўсқинлик қилувчи қарор ва ҳаракатлар устидан судга шикоят қилишнинг таъсирчан механизмлари мавжуд эмаслиги одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладди.

Муаллифнинг фикрича, ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратини суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи асосига қурилган комплекс тизимнинг жиноят процессидаги шакли деб аташ мумкин.

Диссертант ишни судга қадар юритиш жараёнида тарафларнинг тенглиги фақатгина уларнинг ўртасидаги ҳуқуқий низо холис ва беғараз суд томонидан ҳал этилгандагина амалга ошиши мумкинлиги ҳақида хулосага келган. Хусусан, «Ишни судга қадар юритиш учун масъул органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоятларни суд томонидан кўриб чиқилиши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини кучайтирадими?» деган саволга сўровда қатнашганларнинг 74% ижобий жавоб берганлиги ҳам мазкур фикрни тасдиқлайди.

ЖПКда ишни судга қадар юритиш учун масъул органларга, жиноят-процессуал функцияда белгиланганидан ҳам кўпроқ ваколатлар берган бўлсада, ишни судга қадар юритиш учун масъул органларнинг процессуал фаолиятига аниқ талаблар қўйилмаган.

Жумладан, ишни судга қадар юритиш учун масъул органларнинг қарорларига нисбатан суд қарорларига қўйилган талаблар сингари процессуал шартлар, шунингдек тергов ҳаракатларини ўтказишнинг (сўроқ тергов ҳаракати бундан мустасно) умумий шартлари ЖПКда белгиланмаган, «кечиктириб бўлмайдиган ҳолат», «етарли асослар» каби мавҳум тушунчалар субъектив талқин қилинишини олдини олиш масаласи ҳал қилинмаган.

Суд амалиёти материаллари таҳлили шуни кўрсатадики, 2019 йилда судлар томонидан 859 нафар шахс оқланган ва реабилитация қилинган, бундан ташқари, 6 минг 665 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланган ёки қайта малакаланган. Бу эса мазкур шахсларнинг аксариятига нисбатан процессуал мажбурлов чоралари асоссиз қўлланилганлиги ва бунинг оқибатида уларнинг конституциявий ҳуқуқлари поймол қилинганлигини англатади.

Суд назорати-назорат ва контролнинг бошқа шаклларида бир қатор афзалликларга эга эканлигини тан олиш зарур. Аввало, суд жиноятни фош қилиш ва ишни судга қадар юритишнинг кўрсаткичлари учун жавоб бермайди. Бироқ суд ушбу босқичда қонунийлик таъминланишидан манфаатдор, сабаби терговнинг қонуний ва асослилиги, одил судловга асос бўлувчи пойдевордир. Иккинчидан, суд алоҳида ҳуқуқий мақомга эга, зеро суд одил судловни амалга оширувчи ягона органдир. Бундан ташқари, суд жараёнининг давлат фаолиятининг ҳеч қандай шаклида бўлмаган ўзига хос хусусиятлари, яъни қонун билан қатъий тартибга солинганлиги, одил судловнинг ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ва ҳақиқатни аниқлаш учун энг қулай шароит яратувчи принциплари тўлиқроқ амалга оширилишини инкор этиб бўлмайди.

Суд назоратини одил судловдан ажратиш, одил судловнинг энг муҳим конституциявий принципларидан бири тортишувнинг моҳиятида ноаниқлик келтириб чиқаради, суд фаолиятини маъмурий органдан фарқловчи хусусиятларига таъсир қилади. Суд назорати одил судловнинг шакли сифатида тан олинмас экан, суд назорати жараёнидаги судьянинг ҳуқуқлари қисқаради (судьяга гувоҳларни чақириш, далилларни номақбул деб топиш ҳақидаги ҳуқуқлар берилмайди) ва суд назорати маъмурий фаолиятга айланади.

Диссертант суд назоратининг асосий функцияси ишни судга қадар юритиш жараёнида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатлашдан иборатлиги ҳақида хулосага келган.

Суд назорати олдини олувчи ва ҳуқуқни тикловчи характерга эга бўлиб, ишни судга қадар юритиш учун масъул органлари томонидан конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ва процессуал ҳаракатлар, тезкор тадбирларни ўтказиш жараёнида қонун бузилишининг олдини олиш, шикоятларни кўриб чиқиш йўли билан бузилган ҳуқуқларни тиклаш вазифаларини бажаради.

Диссертациянинг «**Ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратининг таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чоралари, эҳтиёт чораларини қўллаш устидан суд назоратининг амалдаги муаммолари ва уларнинг ечими батафсил таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, ЖПКда суднинг ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги масаласини муҳокама қилиш мажбурияти аниқ белгиланмаганлиги шахснинг ноқонуний ушлаб туришнинг олдини олиш учун хизмат қилмайди ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро Пактнинг 9-моддасида белгиланган суд дарҳол ушлашнинг қонунийлиги борасида қарор чиқара олиши ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса, озод қилиш ҳақида фармойиш бера олиши ҳақидаги қоидага мувофиқ эмас.

Муаллиф қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш жараёнида суд назорати фақатгина қонунийликни текшириш билан чекланганлиги, мазкур институтнинг етарли самара бермаётганлигининг асосий сабаби эканлиги ҳақида хулосага келган.

Муаллифнинг фикрича, ишни судга қадар юритиш учун масъул органлар томонидан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида илтимоснома киритиш жараёнидаги 2 та асосий муаммо мавжуд: биринчидан, гумон қилинувчи ва айбланувчининг оғирроқ жиноят содир этганлиги ҳақида тасдиқланмаган ёки тезкор маълумотлар асосида унинг қилмиши квалификациясини сунъий равишда оғирлаштириш; иккинчидан, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун ЖПКнинг 236-моддасида кўрсатилган асослар номинал равишда санаб ўтилсада, асослантирилмаслиги.

2014-2019 йиллар мобайнида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш амалиёти ўрганилганида судлар томонидан жами 59901 та шахсга нисбатан илтимосномалар кўриб чиқилиб, 59673 таси яъни 99,6% қаноатлантирилганлиги мазкур фикрларни тасдиқлайди.

Гарчи, 2019 йилда қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида 8136 та илтимоснома келиб тушиб, шундан 8049 таси, яъни 98,9% қаноатлантирилган бўлсада, айрим вилоятларда илтимосномалар деярли тўлиқ (Хоразм вилоятида 156 та илтимосноманинг хаммаси, Навоий вилоятида 323 та илтимосномадан 322 таси, Сирдарё вилоятида 184 та илтимосномадан 183 таси, Андижон вилоятида 447 та илтимосномадан 445 таси) қаноатлантирилганлигини кузатиш мумкин.

Ваҳоланки, Қозоғистон Республикасида 2017 йилда камокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида 17477 та илтимоснома кўриб чиқилиб, шундан 16326 таси ёки 93,4 % қаноатлантирилган. 2016 йилда мазкур кўрсаткич 95,4%, 2015 йилда 94,8%ни ташкил қилган.

Россия Федерацияси судлари томонидан 2018 йилда камокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан 114300 та илтимоснома кўрилиб, шундан 102205 таси яъни 89,4% қаноатлантирилган.

Суднинг ажримида тергов органларида шахснинг жиноятга дахлдорлиги ҳақида етарли маълумотлар мавжудлиги ҳақида ҳавола қилиши, судьянинг шахснинг жиноят содир этишга дахлдорлиги ҳақида гумоннинг асослилигини текширмаслиги ва баҳоламаслиги жиноят-процессуал қонунини жиддий бузилиши сифатида баҳоланиши зарур, сабаби амалда бундай ҳолат шахснинг одил судловга бўлган ҳуқуқини йўққа чиқаради.

Судда айбнинг исботланганлиги эмас, балки ушлаб туриш ва камокда сақлаш учун сабаб бўлган гумоннинг асослилиги кўриб чиқилади. Лекин амалиётда ҳали ҳам судьялар энг жиддий эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини тўлиқ ва ҳар томонлама текшириш учун ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланмаяптилар, мазкур масалани ҳал қилишда ҳали ҳануз формал текширув элементлари мавжуд бўлиб, аксарият илтимосномалар қаноатлантирилмоқда. Судьянинг суриштирув ёки терговнинг фикрига боғланмай, мустақил равишда қамокда сақлаш ва уй қамоғидан бошқа эҳтиёт чорасини танлаш ваколатидан амалиётда кенгроқ фойдаланиш зарур.

Айнан камокда сақлаб туриш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш тўғрисида илтимосномани кўриб чиқишда суд назорати чегараси белгиланмаганлиги, суд тергов органларининг фикрини муҳокама қилиш билан чекланганлиги, мазкур масалада тергов органларининг масъулиятини камайтиради. Мазкур ҳолат суд амалиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда албатта. Сабаби, 2014-2019 йилларда 1063 та шахсга нисбатан камокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома кўриб чиқилган бўлса, шундан фақатгина 2 та ҳолатда 2016 йилда 1 та ва 2018 йилда 1 та шахсга нисбатан илтимосномани қаноатлантириш рад этилган.

Судья шахс конституциявий ҳуқуқларини чекловчи тергов ҳаракатлари ўтказишга руҳсат бериш ҳақида илтимосномани кўриб чиқишда:

конституциявий ҳуқуқларни чеклаш учун юридик ва фактик асосларнинг мавжудлиги;

ЖПКда белгиланган тартибда кўзғатилган жиноят иши мавжудлиги (терговга қадар текширув давомида фақат айрим тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкин);

илтимоснома киритувчи субъектнинг ваколатлилиги;

иш юритишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги;

дастлабки терговнинг ЖПКнинг 351-моддасида белгиланган муддатлари ўтмаганлигини текшириши зарур.

Диссертациянинг «**Ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратининг халқаро стандартлари ва хорижий тажрибаси**» деб номланган учинчи бобида ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратига оид халқаро

стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси қиёсий таҳлил қилинган ва 4 гуруҳга ажратилган: 1) ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратининг халқаро стандартлари; 2) англосаксон ҳуқуқ тизими мамлакатлари; 3) континентал ҳуқуқ тизими мамлакатлари; 4) МДХга аъзо мамлакатлар.

Хусусан, суд назоратининг халқаро стандартларида қонунга мувофиқ тузилган, мустақил, холис ва нуфузли судга мурожаат ҳуқуқи – мутлақ ҳуқуқ бўлиб, ундан истиснолар бўлмаслиги кераклигига асосланиши қоида тариқасида ўрнатилган.

Ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратининг халқаро стандартлари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8 ва 10- моддалари, БМТ Бош Ассамблеясининг 1988 йил 9 декабрдаги резолюцияси билан тасдиқланган ҳар қандай шаклда ушланган ёки қамоққа олинган шахсларни ҳимоя қилиш принципларининг 9-принципи, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро Пактнинг 3, 9, 14-моддалари, Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари (БМТнинг 12 Жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала тўғрисидаги еттинчи конгрессида қабул қилинган), Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ролига оид раҳбарий принциплар (БМТнинг Жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала тўғрисидаги саккизинчи конгрессида қабул қилинган), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари («Токио қоидалари»)нинг 3-моддаси, Халқаро жиноят судининг Рим статuti, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитасининг муайян ишлар бўйича тавсиялари, Одил судловнинг мустақиллиги ҳақида биринчи халқаро конференцияда қабул қилинган «Одил судловнинг мустақиллиги ҳақида» декларацияда (Монреаль декларацияси 1983 йил) ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа нормаларида ўз аксини топган.

Жумладан, халқаро стандартлар:

– ҳар бир шахс ўз ишининг судда одилона кўриб чиқилиши ҳуқуқи, ушлаб туришнинг қонунийлигини суд томонидан текшириш ва агар ноқонуний ушланган бўлса озод қилинишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш;

– ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш судларнинг ҳам ҳуқуқи ҳам мажбурияти эканлиги, бунда суд далилларни ўрганиш ҳуқуқига эгаллиги;

– ушлаб турилган шахсни қамоққа олиш заруриятини исботлаш мажбурияти айблов томонга юклатилиши;

– жиноят ишларини юритишда инсон ҳуқуқларини чеклашга руҳсат бериш масаласини доимий равишда ҳал этишга ваколатли бўлган судлар ташкил қилиш;

– ишни мазмунан кўрувчи ва ишни судга қадар юритиш босқичидаги масалаларни ҳал қилувчи судларни ажратиш;

– инсоннинг шахсий ҳаётига дахл қилувчи тергов ҳаракатларига суд назоратини жорий қилиш;

– тезкор-қидирув фаолияти устидан суд назоратини жорий қилиш;

– судьяларнинг ҳар қандай муқобил эҳтиёт чораси қўллаш ҳуқуқи ва муқобил эҳтиёт чораси қўлланмаганда буни асослантириш мажбуриятини белгилаш;

– қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг аниқ асосларини белгилаш ва фақатгина жиноятнинг оғирлиги қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асос бўлмаслигини амалда қўллаш;

– қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан суд муҳокамасининг очиқ бўлиши ва ҳимоячи билан таъминлаш шартлиги;

– судгача қамоққа олиш ноаниқ ёки турлича талқин қилиниши мумкин бўлган асосларга кўра амалга оширилмаслигини таъминлаш;

– ишни судга қадар юритиш жараёнида мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилмаслигини белгилайди.

Хусусан, АҚШ суд назоратининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, АҚШ Олий суди томонидан суд назоратининг предмети ва чегараси белгилаб берилади, полиция мустақил равишда фақатгина фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ бўлмаган тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳуқуқига эга, полиция қисқа муддатли ушлаб туришдан бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашга ҳақли эмас.

АҚШ суд назоратининг ҳуқуқий асоси АҚШ Конституцияси билан бирга, Олий суднинг *Mapp v. Ohio*, *Powell v. Nevada*, *Johnson v. United States* каби, полициянинг инсон ҳуқуқларини чеклаш бўйича ҳаракатлари ноқонуний, олинган далилларни мақбул эмас деб топилган машҳур прецедентлари, “No warrant shall actually designed without probable case” (эҳтимолий сабабсиз суднинг ордери берилмайди) қондасига асосланади.

Буюк Британияда суд назорати айнан жиноят процесси институти сифатида эмас, универсал институт сифатида фаолият кўрсатади. (2015 йилдаги Жиноят ишлари бўйича одил судлов ва судлар тўғрисида қонун /Criminal Justice and Courts Act 2015). Буюк Британияда ишни судга қадар юритиш учун масъул органларнинг қарорларини бекор қилиш учун асослар 3 тага ажратилди:

1) қарор қабул қилувчи ноқонуний ҳаракат қилганлиги (illegality);
2) қарор адолатсиз процедура натижасида қабул қилинганлиги (procedural impropriety);
3) қарор асоссиз ёки иррационаллиги (irrationality or unreasonableness).

Германия Федератив Республикасида асосий ҳуқуқларни чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари фақат суднинг рухсати билан ўтказилиши мумкин. Бу ерда Франциядан фарқли равишда тергов судьяси (Ermittlungsrichter) жинойий таъқибни амалга оширмайди, ишни тергов қилмайди, фақатгина полиция-прокурорнинг конституциявий ҳуқуқларни чекловчи ҳаракатларига рухсат беради.

Францияда тергов судьясини ишни мазмунан кўрадиган судьядан кўра, ишни судга қадар юритиш учун масъул шахс сифатида таърифлаш тўғри

бўлади, яъни амалда унинг асосий функцияси жиноят ишини тергов қилишдан иборат.

Австрияда 2004 йилда ўтказилган ислохот натижасида тергов судьяси (Untersuchungsrichter)дан воз кечилиб, унинг дастлабки терговга раҳбарлик қилиш бўйича функцияси прокурор ваколати доирасига ўтказилган.

Континентал ҳуқуқ тизимида шахс ҳуқуқларини чекловчи тергов ҳаракатлари ва процессуал мажбурлов чоралари ўтказиш учун суднинг рухсати талаб қилиниши умумий қоида бўлсада, суд назорати функциясини тергов қилиш ваколатлари билан бирга амалга оширадиган тергов судьяси модели (Франция) ёки фақат юрисдикциявий ваколатларни амалга оширувчи тергов судьяси модели (ГФР)ни ажратиш мумкин.

Диссертант томонидан ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратининг шаклланиш даражасидан келиб чиқиб МДХ давлатлари қуйидагича таснифланган:

1) ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати тўлиқ шаклланган ва суднинг юрисдикциявий ваколатлардан ташқари инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бошқа ваколатлари мустаҳкамланган давлатлар: (Украина, Қозоғистон, Молдова, Қирғизистон).

2) ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати шаклланаётган ва суд фақат юрисдикциявий назорат билан чекланган, суд назоратининг махсус субъекти мавжуд бўлмаган давлатлар: (Россия Федерацияси, Озарбайжон, Арманистон).

3) ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратининг фақатгина айрим шакллари мавжуд бўлган давлатлар: (Беларусь, Тожикистон).

Шу билан бирга, МДХ давлатларининг аксариятида суд назорати функциясининг доктринал ва амалий модели ўртасида оптимал мувозанатга эришилмаганлиги, суд назорати предмети, чегараси, амалга оширувчи субъект масаласида умумий ёндошув мавжуд эмаслиги қайд қилинган.

Ҳуқуқ тизимининг ўхшашлиги ва амалдаги процессуал функциялардаги умумий жиҳатлардан, шунингдек суд назорати фақат юрисдикциявий назорат билан чекланганидан келиб чиқиб, ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратининг ГФР ва Қозоғистон тажрибаси миллий ҳуқуқ тизимига жорий этиш учун оптималлиги ҳақида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратини такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланган тўртинчи бобида ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратининг амалдаги муаммолари ва уларнинг ечими, ишни судга қадар юритишга масъул мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш механизмини миллий қонунчиликка татбиқ этиш, конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тезкор-қидирув фаолияти устидан суд назорати, суд назоратини амалга оширишнинг ягона субъекти сифатида тергов судьясини жорий этиш ва унинг фаолияти механизмини белгилаш илмий асослантирилган.

Диссертант фикрича, ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратини амалга оширишнинг миллий ва хорижий тажрибасидан келиб чиқиб, суд

назоратининг самарадорлиги ва унинг юксак мақсадларига мувофиқ бўлишига таъсир этадиган қуйидаги хавфларни ажратган:

– судьянинг айблилик масаласини олдиндан ҳал қилиш ва далилларга баҳо бериш ва ишни судга қадар юритиш учун масъул органларнинг фикрига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишнинг фактик ҳолатларини текшириш ўртасидаги чегаранинг мавжуд эмаслиги;

– суд нazorатининг формал текширувга айланиб қолиши.

Муаллифнинг фикрига кўра, судга қадар юритиш устидан суд нazorатини такомиллаштиришнинг қуйидаги истиқболли йўналишларини ажратиш мумкин:

1) Амалдаги ЖПКда мавжуд суд нazorати чегарасини кенгайтириш ва уни амалга оширишнинг процессуал тартибини аниқ белгилаш орқали суд нazorатининг самарадорлигини ошириш.

Бу ўз навбатида судга қадар юритиш учун масъул органларнинг шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ фаолиятининг қонунийлиги ва асослилигини суд томонидан текшириш мажбурияти ва мазкур мажбуриятдан келиб чиқиб, судьянинг ваколатларини кенгайтириш, шу жумладан, нazorатни амалга ошириш учун жиноят ишини талаб қилиб олиш, қийноқ қўлланганлиги ҳақида аризага асосан суд мажлисининг ўзида экспертиза тайинлаш ҳақида ажрим чиқариш, арз қилган шахсга хавфсизлик чораларини қўллаш, ишни судга қадар юритиш учун масъул орган мансабдор шахсини ишни юритишдан четлаштириш ваколатларини назарда тутати.

2) Суд нazorатининг ташкилий асосларини такомиллаштириш ва ишни судга қадар юритиш устидан суд нazorати ишни мазмунан кўришдан четлаштирилган, том маънода холис тергов судьяси томонидан амалга оширилишини белгилаш.

3) Суд нazorати доирасини янада кенгайтириб, ишни судга қадар юритиш босқичида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ барча процессуал мажбурлов чоралари, тергов ва тезкор-қидирув тадбирлари устидан суд нazorатини жорий қилиш, процессуал ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар ва қарорлар устидан шикоят қилиш тартибини белгилаш.

4) Тарафларнинг тенглиги ва тортишув принципини амалда таъминлаш мақсадида, ҳимоячининг далилларни тўплаш ва тергов ҳаракатлари ўтказиш бўйича илтимосномасини кўриб чиқиш тартибини жорий қилиш.

Бугунги кунда ишни судга қадар юритиш жараёнида жиноят процесси иштирокчиларининг шикоятларини холис ва ҳаққоний кўриб чиқилишини таъминлайдиган яхлит тизим йўқлигини таъкидлаш ўринли.

2017-2019 йиллар мобайнида ишни судга қадар юритиш учун масъул органларнинг қарорлари ва ҳаракат(ҳаракатсизлиги) юзасидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш натижалари ҳам мазкур фикрни тасдиқлайди. Масалан, 2017 йилда келиб тушган шикоятлардан 1757 таси яъни 20,5 % қаноатлантирилган ва 6776 таси яъни 79,5 рад қилинган бўлиб, 2018 йилда келиб тушган шикоятлардан 2212 таси яъни 21,6 % қаноатлантирилган ва 8001 таси яъни 78,4 рад қилинган. 2019 йилда келиб тушган шикоятлардан 2212 таси яъни 26,9% қаноатлантирилган ва 8001 таси яъни 73,1 рад қилинган.

Шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш диспозитив бўлиб, ҳеч ким ўз ихтиёрига зид равишда даъво кўзғатишга мажбур қилинмаслиги (*nemo invitus agere cogitur*) ва даъвогарсиз суд йўқ (*nemo iudex sine actore*) принципига асосланади. Хусусан, диссертант шикоятнинг предмети юзасидан олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб:

- мурожаат қилиш ҳуқуқини қатъий чегаралаш мумкин эмаслиги;
- судга шикоят қилиниши мумкин бўлган қарорлар ва рўйхатини аниқ белгилаш;
- фақат конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни чекловчи ҳаракат ва қарорлар билан белгилаш ҳақида қарашлар мавжудлиги борасида ўз муаллифлик тўхтамига келган.

Муаллиф шикоят предмети - конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни чекловчи, жумладан, шахснинг одил судловга эришишига тўсқинлик қилувчи ёки чекловчи қарор ва ҳаракатлар билан чекланиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулосага келган.

Шунингдек, шикоятнинг мазмунига нисбатан талаблар, шикоятларнинг судловга тегишлилиги, шикоятни кўриб чиқиш босқичлари ва муддати, шикоятни кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш асослари ва тартиби, суд мажлиси тартиби ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш механизмини белгилаш юзасидан конструктив таклифлар шакллантирилган. Муаллиф шикоятни ҳар томонлама тўлиқ ва холисона ўрганиб чиқиш учун судьяга кўшимча материаллар талаб қилиб олиш, ишни судга қадар юритишга масъул бўлган бошқа мансабдор шахсларни жалб қилиш, зарур ҳолларда жиноят иши ҳужжатларини талаб қилиб олиш ҳуқуқи берилиши зарурлиги ҳақида хулосага келган.

Муаллифнинг фикрича, суд назоратини амалга ошириш жараёнидаги, судьянинг ҳар қандай хулосаси судьянинг холислигига қандайдир даражада таъсир қилишини инкор этиб бўлмайди, сабаби амалиётда судья шахснинг айблилигига доир далиллар мавжудлигини ўрганади, фақат мазкур фикрини муҳокама қилмайди.

Диссертантнинг таъкидлашича, суд назорати доирасининг самарадорлиги юрисдикциявий назоратни амалга оширишга ихтисослашган жиноят процессуал фаолиятнинг мустақил субъекти - тергов судьясининг жиноят процессидаги иштирокини тақозо этади.

Тергов судьяси суд назоратини амалга ошириш билан бирга, тарафлар ўз функцияларини тўлиқ ва қонуний бажаришларини таъминлашга қаратилган ваколатни амалга ошириши мумкинлиги борасида фикрлар илмий асослантирилган. Натижада, ишни судга қадар юритишда ҳақиқий тортишув муҳитини яратади, зеро ҳимоячининг илтимосномаси эндиликда жиноий таъқиб ва ишни ҳал қилиш функциясини бир вақтда бажарувчи субъект эмас, айнан суд назоратини амалга оширишга ихтисослашган махсус мансабдор шахс томонидан ҳал қилиниб, процессда қарши тарафлар мувозанати яратилади.

Илмий асослантирилган хулосага кўра, тергов судьяси томонидан жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини депонентлаш далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш принципини бузмаган ҳолда, далилларни

сақлаш ва ундан исботлаш жараёнида фойдаланиш имкониятини зарур даражада кенгайтиради.

